



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҲАМДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТИЗИМЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 февраль кун коррумпцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Коррупция иқтисодиёт ривож, чинакам қулай тадбиркорлик ва инвестиция муҳити учун энг асосий ўсиш кўрсаткичи бўлиб қолди. Таҳлилларга кўра, бу иллат жаҳон иқтисодиётига ҳар йили ўртача 2,6 триллион доллар зарар келтиради.

Мамлакатимиз ҳам ушбу муаммодан халос бўлмаган. Дунёдаги коррупция даражасини ўрғанишчи "Transparency International" халқаро таъминоти индексига ўзбекистон сўнги уч йилда 12 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали бу иллат барҳам топмаган.

Ўртдошларимизнинг фикрича, соғлиқни сақлаш, таълим, банк, божхона, суд, прокуратура, ички ишлар, коммунал хизмат соҳаларида, шунингдек, фуқароларни ишга қабул қилишда коррупция кенг тарқалган. Мисол учун, таҳлилларга кўра, соғлиқни сақлаш тизимидаги харажатларнинг 25-30 фоизи самарасиз сарфланмоқда. Қўллаб соҳаларда давлат харидларини амалга ошириш тизими очик-шорка эмас.

Давлатимиз раҳбари яқинда Олий Мажлисга Мурожаатномасида коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан кўра, барвақт олдини олишга ўтиш зарурлигини таъкидлаб, унга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган тузишни таклиф қилган эди. Йиғилишда ушбу янги тузилмани ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Коррупция даражаси юқори бўлган соҳаларда бу иллатдан қутулиш бўйича дастур ишлаб чиқиб, ижросини ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Коррупцияга қарши курашишнинг энг асосий йўли давлат органлари фаолияти ва иш жараёнларини шаффоф қилишдир. Бунда энг асосий эътиборни ишга олиш, давлат харидлари, рухсатнома ва лицензиялар бериш каби жараёнларда очик-шораликни таъминлашга қаратиш лозимлиги белгиланди.

Адлия вазирлиги ва Бош прокуратурага Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда вазирлик, компания ва ҳокимликларда ички коррупцияга қарши чораларни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи "комплаенс назорат" тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, давлат хизматчилари мол-мулки ва даромадларини декларация қилиш тизимининг барча ташкилий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиб, амалиётга киритиш шартлиги таъкидланди.

Мутасаддиларга хорижий тажриба асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича тузилмани ташкил этишга доир ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди. Мазкур тузилма нафақат бу борада давлат сиёсатини амалга ошириши ва мувофиқлаштириши, балки коррупцияга қарши курашишда барча куч ва воситаларга эга бўлиши кераклиги қайд этилди.

Ушбу иллатга қарши курашишда муҳим воситалардан яна бири – жамоатчилик назорати. Бугунги кунда юртимизда 10 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Лекин уларнинг ўрни ва фаоллиги сезилмапти. Чунки бу ташкилотлар манфаатларини ифода этувчи, давлат билан кўпrik вазифасини бажарувчи яхлит тизим йўқ.

Ҳозирда жамоатчилик билан ишлаш тизими жойларда ва соҳаларда ҳалқимизни қийнаётган масалаларни давлат миқёсига олиб чиқиб, ҳал қилишда натижа кўрсата олмапти. Кўп нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти расмийликдан иборат бўлиб қолмоқда.

"Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари ва Хотин-қизлар қўмитаси каби йирик тузилмалардан ҳалқимиз қандай наф қўрапти, улар ҳаётимизда қайси ўткир масалани кўтариб, ҳал қилишга эришди, деган саволга, афсуски, ижобий жавоб йўқ.

Шу боис Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадига Жамоатчилик палатаси ташкил этиш таклифини ҳам билдирган эди. Йиғилишда ушбу палатанинг асосий вазифалари, ташкилий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Жамоатчилик палатаси аҳоли фикрини мунтазам равишда ўрганиб бориши, муаммолар ечимини топиш бўйича давлат идоралари олдида аниқ вазифалар қўйиши зарурлиги таъкидланди. "Жамоатчилик эшитиш", "Жамоатчилик мониторинги", "Жамоатчилик экспертизаси", "Жамоатчилик ташаббуси" каби таъсирчан назорат шакллари ҳаётга татбиқ этиш муҳимлиги қайд этилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда давлат идоралари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини жонлантириш, уларга ҳар томонлама услубий қўмақ бериш ҳам янги палата фаолиятининг муҳим йўналишларидан бўлади. Шу каби вазифалардан келиб чиқиб, Жамоатчилик палатасининг ташкилий-ҳуқуқий асосини яратиш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича 2020-2021 йилларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини такомиллаштириш, жамият ҳаётига оид муаммоларни ўрғаниш ва самарали ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш учун нодавлат нотижорат ташкилотларига грантлар ажратиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЎЗА

XXI аср сақоси Барча мавбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижон вилоятидаги умумтаълим мактабларида "Навоийхонлик" ва "Бобурхонлик" тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Таълим муассасаларида ўтказилаётган тадбирларда ижодкорлар, адабиёт фани ўқитувчилари томонидан Навоий ва Бобур ижодининг ўзига хос жиҳатлари, асарларидаги инсонийлик, ватанпарварлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва эзгулик ғоялари тарафдорлик ҳақида кенг маълумотлар берилмоқда.

• Қумқўрган туманида Сурхондарё вилоятидаги ёқил қушиш станцияларининг жорий ҳолатини мониторинг қилиш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳи аъзоларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ҳудудий ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда автомобилларга газ тўлдириш, соҳага алоқадор корхона ва ташкилотлар, газ ва ёқил қушиш станциялари раҳбарлари иштирок этди.

• Наманганда Ўзбекистон Республикаси "Қамалак" болалар ташкилотининг аънавий "Қамалак" юлдузлари болалар ижодиёти фестивали вилоят босқичи бўлиб ўтди. Иккидори болаларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъод ва маҳоратларини намоён қилиш учун кенг имкониятлар яратиб бериш, ёш авлодининг маънавий оламини бойитиш, илм-фан ва санъат сирларини эгаллаш йўлида руҳлантириш ва интилишларини рағбатлантириш мақсадига ўтказилаётган фестивалнинг вилоят босқичида 256 ўғил-қиз иштирок этди.

• Жарқўрган туманида "Бўлғуси келин-қўёлар инновацион мактаби" иш бошлади. Инновацион мактабда ФХДЁ бўлимларига никоҳ тузиш мақсадига ариза топширган жуфтликлар, турмуш қуришни режалаштираётган йигит-қизлар, касб-хунар қоллажлари ва умумтаълим мактабларининг битирувчи синф ўқувчилари бепул ўқитилаётди.

• Термиз шаҳридаги Матбуот уйда "Янги ланаётган ТерДУ: сарҳисоб, истиқболли вазифалар" мавзуда матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда воҳадаги йирик олий ўқув юртининг илмий салоҳиятини ошириш юзасидан кейинги йилларда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди. Қизиқарли баҳсларга бой бўлган анжуманда халқаро алоқалар, қурилиш ва молия фаолияти, маънавий-маърифий, спорт ва бошқа соҳаларда амалга оширилган ишлар ҳамда галдаги вазифалар ҳусусида сўз юритилди.

• Наманган вилоятининг Қирғизистон билан чегарадош Косонсой туманидаги "Косонсой" чегара божхона постида कोरोनाвируснинг кйриб келиши хавфи туғилганда юзага келган вазиятни бартараф этиш бўйича ҳамкорликда ҳаракатланиш мавзусида махсус тактик ўқув машқи ўтказилди. Машқ давомида туман тиббиёт бирлашмаси, санитария-эпидемиология, ветеринария хизматлари раҳбарияти, фуқаро муҳофазаси тузилмалари ва эпидемияга қарши кураш гуруҳлари билан уларнинг тайёргарлиги юзасидан савол-жавоблар, суҳбатлар ўтказилди. Машқ якунида эса йўл қўйилган камчиликлар ва хатоларни бартараф этиш бўйича фикр алмашилди.

ЖАҲОНДА

• Тожикистон озик-овқат хавфсизлиги қўмитаси барча турдаги Хитой озик-овқат маҳсулотлари, шу жумладан чой ва экин уруғларини олиб қиришни тақиқлади. Хитойда коронавирус эпидемияси бошланганидан сўнг, масъул ҳокимият идораларига ҳатто учинчи мамлакатлардан ҳам олиб қирилатган озик-овқат маҳсулотларини назоратга олиш бўйича топшириқлар берилди. Кеча тадбиркорлар афрон чегарасига олиб бормоқчи бўлган Хитой меваларини олиб қиришга рухсат берилмади. Чегара пунктларида фаолият кўрсатаётган органларга Хитой маҳсулотларини аниқлаш ва уларни Тожикистонга киритмаслик тўғрисида кўрсатма берилди.

• Гавайи архипелагидаги Мауи оролида joyлашган DKIST телескопидан (Daniel K. Inoué Solar Telescope) фойдаланадиган америкалик астрономлар бугунги кунгача Кўёш юзасининг энг батафсил тасвириларини олишди. Бу ҳақда АҚШ миллий илмий жамғармаси сайтида хабар берилди. Кадрларда юлдузнинг бутун юзасини қоплайдиган "қайнаб турган" плазма кўрсатилган. Таъкидланганича, янги маълумотлар туғайли тадқиқотчилар юлдуз ва кўёш фаолиятини, хусусан, ҳаво транспорти, сунъий йўлдош алоқаси ва Ердаги электр тармоқларига таъсир қилувчи тузилишини батафсил ўрғаниш имкониятига эга бўладилар. Олимларнинг фикрига кўра, ушбу таъсирлар кўёш физикасида янги даврни очади.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТАШАББУСЛАРИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИНТАҚАВИЙ ЭТАКЧИ СИФАТИДАГИ МАВҚЕНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАДИ

Ҳиндистон сиёсий ва ишбилармон доиралари Президентини Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришда давом этмоқда.

Суреш Прабху, Ҳиндистон Бош вазирининг махсус вакили, сенатор:

– Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев парламентга йўллаган Мурожаатномасида жуда муҳим ташаббусларни илгари сурди. Давлат раҳбари томонидан 2020 йил учун белгиланган ташаббуслар, хусусан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, фан ва таълимни қўллаб-қувватлаш жамиятни жадал ўзгартиришнинг муҳим элементлари ҳисобланади. Янги аҳборот технологиялари ва инновацион ёндашувлардан фойдаланиш трансформациялаш жараёнларини янада тезлаштиради. Бошқа томондан, иқтисодиётни рақамлаштириш Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий муносибатлар тизимида янада самарали қўшилишида, жамият ривожига ошкориликни таъминлашда ва кенг жамоатчилик учун маълумот олишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, мамлакатда аҳборот коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши яқин келажақда Ўзбекистонни минтақадаги инновацион ғоялар ва IT-хизматларнинг йирик етказиб бериувчисига айлантириши мумкин. Ҳиндистон ушбу йўналишда Ўзбекистон билан яқиндан ишлашга тайёр.

Шям Мохан, "Tier1 Network" инвестиция ва консалтинг компаниясининг ижрочи директори:

– Ўзбекистонда 2020 йилни "Илм, маърифат таълим ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилиниши мамлакатдаги изчил ислохотлар руҳига тўла мос келади. Ушбу ташаббус доирасида белгиланган мақсадларнинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг минтақавий етакчи сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлайди.

Ўтган йили мен инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини ўрғаниш учун бир неча бор мамлакатга ташириф буюрдим. Ўзбекистоннинг сармоя киритиш учун жозибадорлиги тобора ортмоқда. Ижобий ўзгариш суръати ҳақиқатан ҳам таъсирчан. Давлат раҳбарининг иқтисодий ётаклиги шайфафликни таъминлаш, коррупциянинг барча шакллари қарши курашиш ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Ўз навбатида биз Ўзбекистонда балик етатириш бўйича лойиҳани амалга оширишни йўлга қўйишга тайёргарлик кўрмоқдамиз.

"Дунё" АА Дехли



ЯШНОБОДА "КУНЛИК ИШЧИЛАР МАРКАЗИ" ОЧИЛДИ

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида аёлларга мўлжалланган "Кунлик ишчилар маркази" бинасининг очилиш маросими бўлди.

Маросимда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Бандлик ва меҳнат муносибатлари вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова, бандлик ва меҳнат муносибатлари вазири Н.Хусанов ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш доимий эътиборда эканини таъкидладди.

Бу борада юртдошларимиз вақтинчалик бир марталик ишларга ёлланган жойларда зарур жамоат тартиби ва ижтимоий-маиший шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида Яшнобод туманида ташкил этилган аёлларга мўлжалланган "Кунлик ишчилар маркази" муҳим қадам бўлди.

Туман аҳоли бандлигига қўмақлаш маркази ҳузурида филиал шаклида ташкил этилган мазкур шохбчада ишчиларни ёллаш ва уларни бир марталик иш билан таъминлаш учун барча қулайликлар мавжуд. Хусусан, асбоб-ускуналарни ижарага бериш тизими, арзонлаштирилган овқатланиш шохбчаси фаолияти йўлга қўйилган. Маданий ҳордиқ чиқариш учун имкониятлар (кутубхона, шахмат-шакка тахталари) яратилган. Кўрсатилаётган хизматлар давлат томонидан қафолатланади.

Хориж тажрибасини ўрганган ҳолда марказда вақтинчалик иш билан таъминлашда аутсорсинг ва аўтстаффинг хизматлари йўлга қўйилган.

Мазкур марказ ишга туширилгани орқали иш изловчиларни рўйхатга олишда эскича ёндашувга барҳам берилди. Бўш иш ўринлари билан тани-

шиш имконияти яратилади. Иш берувчи ва иш изловчилар ўртасида мулоқот қилиш учун майдон юзага келади. Шунингдек, рўйхатдан ўтган иш изловчиларнинг зарурий иш қуроллари билан боғлиқ муаммоларни барҳам топиб, меҳнат муҳофазасининг қафолатланишига эришилади. Эътиборлиси, марказда кўрсатиладиган барча хизматлар бепул.

– Мен Наманган вилояти, Чўст туманиданман, – дейди Милоҳат Ғойипова. – Ўн йилдан буюн Тошкентга келиб ишлаб кетаман. Асосан тиқиниш-ичиши ишларига кақирадиган миқозларим бор. Яхши ҳақ тўлашдан. Ушбу марказнинг ташкил этилганидан хурсанд бўлдим. Сабаби, қишининг совуқ кунларида, ёзининг иссиқ кунларида иш берувчинини кўчада қутар эдим. Марказда қутуш ва овқатланиш жойлари бор.

Ш.МАМАТУРОВА



ЖССТ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИХАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Европа минтақавий бюроси директори Ханс Клығы Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигида брифинг ўтказди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти БМТнинг ихтисослашган муассасаси бўлиб, таркибига 194 та давлат аъзо бўлиб қўшилган.

Мазкур бюро дунёнинг турли ҳудудларида олтита минтақавий идорасига эга. Унга 53 мамлакат, жумладан, Ўзбекистон ҳам аъзо ҳисобланади. Соғлиқни сақлашнинг турли йўналишларида илмий ва техник мутахассислар жамоасидан иборат ушбу бюронинг бош қароргоҳи Копенгаген шаҳри (Дания)да жойлашган. Айни пайтда унинг 29 та мамлакатада 4 филиали ва идоралари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда ЖССТнинг ваколатхонаси фаолият олиб боради. Ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси соғлиқни сақлаш тизимига яхлит ёндашув асосида барқарор соғлиқни сақлаш сисемасини ишлаб чиқишга ёрдамлаштиришидир. Шунингдек, умумий етакчилики таъминлаш, маҳаллий даражада техник алоқалар ўрнатиш, стандартларни белгилаш ва шартномалар тузиш, инкироз даврида соғлиқни сақлаш тадбирларини мувофиқлаштириш ва амалга ошириш каби вазифаларни ҳам қамраб олган.

Таъкидлаш жоизки, ЖССТ ва Ўзбекистон соғлиқни сақлашнинг муҳим масалаларида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган 2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини яратишда ЖССТ экспертларининг улкан ёрдамини таъкидлаш жоиз. Халқаро экспертлар кўмаги билан юртимизда соғлиқни сақлашнинг молиялаштиришни яхшилаш, мажбурий тиббий сугурта ва электрон соғлиқни сақлаш тизимини жорий этиш каби қатор самарали чоралар кўрилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йил 24 январда Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида соғлиқни сақлаш соҳасига алоҳида тўхталиб, тизимни молиялаштиришни тубдан ислоҳ қилиш мақсадида мажбурий тиббий сугуртага оид қонунлар қабул қилиш ва уни амалга ошириш бўйича барча ташкилий чоралар ишлаб чиқиш, ушбу тизим жорий йилда Сирдарё вилоятида тажриба сифатида бошлангани ҳақида айтиб ўтди.

Брифингда Сирдарё вилоятида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари кўмагида тиббий хизматларнинг янги моделлари бўйича қўшма пилот лойиҳаси бошлангани таъкидланди. Лойиҳа аллақачон яхши натижалар бераётгани ва давлат уни босқинча-босқинч бутун мамлакат бўйлаб жорий этишни режалаштираётгани қайд этилди.

Тадбирда мазкур ташкилот билан Ўзбекистон ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ҳамкорлик ҳақида батафсил маълумот берилди. Ханс Клығы ЖССТ, жумладан, унинг Европа минтақавий бюроси Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотларни юксак баҳолади. Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг таъкидланди.

Шу кунда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси ўртасида 2020-2021 йилларга мўлжалланган икки йиллик ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Ўзаро масалаҳатлашув асосида ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат ҳамкорлик учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси директори Ханс Клығы раҳбарлигида делегация аъзолари юртимизга ташрифи давомида бир қатор тиббиёт муассасалари ҳамда ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари фаолияти билан ҳам танишишни режалаштирган.

Саидмурод РАХИМОВ

“ТАРАҚҚИЁТ УЧУН РАСМИЙ КЎМАК” ДАСТУРИ – АМАЛДА

Пойтахтимизда Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан “Тараққиёт учун расмий кўмак” дастури доирасида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун пресс-тур ташкил этилди.

Пресс-тур аввалида Халқаро ҳамкорлик марказида Япония элчихонасининг иқтисодиёт ва иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича биринчи қотиби Ямото Йюко, иқтисодий ҳамкорлик бўлими ходими Камолла Алихўжаева ва ЖСАНинг мамлакатимиздаги ваколатхона координатори Кубота Мизухо ҳамда ваколатхона ходими Фарҳод Қурбонвалар иштирокида брифинг ўтказилди. Унда журналистлар Япония ва мамлакатимиз ўртасида турли соҳаларда йўлга қўйилган ҳамкорлик ва амалга оширилаётган ишлар билан танишиш имконига эга бўлишди.

Дастлаб иштирокчилар вакиллари ушбу ваколатхона ёрдамида очилган Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетига мамлакатимиздаги ОТМлар орасида қонга бўлган, умумий қиймати 1,6 млнд. АҚШ долларини ташкил этувчи ўқув медиа-марказини кўздан кечиришди. Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори Тўлқин Тешабоев ҳамроҳлигида журналистлар ўқув-медиа марказида яратилган шартномага билан танишди.

— Масштаби, имкониятлари даражаси, замонавий техника воситалари бўйича нафақат Ўзбекистонда балки Ўрта Осиёда ҳам энг яхши медиа-марказлардан бири ҳисобланади, — дейди Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ўқув медиа-маркази директори Шерзод Хусанов. — Ўқув медиа марказида техник қурилмаларни етказиб бериш ва ўрнатиш ишлари Япониянинг Марубени компанияси томонидан амалга оширилди. Лойиҳа доирасида олиёғоҳ медиа-марказига ТВ дастурларни тасвирга олиш тизими, ТВ ёриткич қурилмалари, виртуал студия, ТВ янгиликларни яратиш қурилмалари, видеоонтаж тизими, рақамли фотостудия қурилмалари, аудио ёзиш тизими, медиа пайвонини бошқариш қурилмалари ўрнатилган. Ўқув медиа-марказининг асосий мақсади — халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим оlishга йўналтирилган таълим тизимида энг сўнгги замонавий технологияларни қўллаш, шунингдек, талабаларга нафақат назарий билимлар бериш, балки амалий кўникмаларни ривожлантириш, бу орқали эса замонавий медиа маконида юқори таърибага эга бўлган мутахассисларни етказиб бериш ҳисобланади.

Пресс-турнинг навбатдаги манзили — Мирзо Улуғбек туманидаги 121-умумтаълим мактаби бўлди. ЖСА томонидан пойтахтимиздаги 121-мактаба ўқувчиларининг малакасини оширишга мўлжалланган ўқитиш жараёнларини бошқариш тизими (Learning management System) лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ташкилотлар журналистларга ушбу лойиҳанинг афзалликлари ва аҳамияти ҳақида сўзлаб беришди. Таълим муассасасида ўқувчилар учун йўлга қўйилган инглиз тили, ментал арифметика ва математика курслари яқиндан таништирилди. Ўқувчиларнинг қаттиқ қизиқиш билан дарсада иштирок этаётгани, таълим сифатини янада яхшилаш йўлинда амалга оширилаётган ишлар самарасини беришини таъминлайди.

Маълумки, ЖСА фаолиятида волонтерлик ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ана шундай кўнгилли ёшлардан бири — Ашида Кокидир. Айнан унинг фаолияти билан танишиш мақсадида журналистлар Ўзбекистон Дзюдо федерациясига ташриф буюришди. Иштирокчилар Ўзбекистон Дзюдо федерациясида дзюдо бўйича тренер-волонтер билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди. Япониялик спорт устаси Ашида Коки бу ерда



бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ўзбекистонлик ёшларга сабоқ бериб келмоқда. Ашида Ўзбекистон дзюдо тарма жаомасига номзодлар саралаб олиш машғулотларида қатнашади. Шунингдек, у Федерацияда дзюдо бўйича машғулотлар ўтказидади. — Ўзбекистонда бир йил икки ойдан бери фаолият олиб бормоқдаман, — дейди Ашида Коки. — Сақкиз ёшимдан бери дзюдо билан шуғулланаман. Университетда ўқиб юрган пайтларим бошқа мамлакатларга бориб дзюдода иштирокчиликни сият қилгандим. Ўзбекистонда мазкур спорт тури яхши ривожланган, спортчиларнинг эса кучли эканини эътироф этган бўлардим. Уларнинг Олимпия ўйинларида олтин медалларини қўлга киритишларига ишонаман. Шунинг учун ҳам мен Ўзбекистонни танладим. Хозирда етти нафар спортчини мусобақаларга тайёрлаяман. Оммавий ахборот воситалари ходимлари федерацияда Ашида Коки ўтказётган машғулотлар билан танишиб, у билан субатлашish имконига эга бўлишди.

Зиёда РАСУЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг Қобулдаги элчихонасида мамлакатимизда ўтадиган Тошкент халқаро инвестиция форумига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

АФҒОНИСТОНЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА

Унда Афғонистон етакчи ташкилот ва компаниялари раҳбарлари, ишбилармон доиралар иштирок этиди. Мамлакатимизнинг Афғонистондаги Факуллодада ва мухтор элчиси Ё.Шодмонов анжуман иштирокчиларига мамлакатимиз ижтимоий сиёсий иқтисодий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, шунингдек, мамлакатимиздаги қулай инвестиция муҳити ҳақида сўзлаб берди.

Жорий йилнинг 5-6 март кунлари бўлиб ўтадиган Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этиш маълумот берилди. Ё.Шодмонов кўшни мамлакат ва сармоядорларини Халқаро форумда иштирок этишга таклиф этар экан, Афғонистон вакилларининг унда иштироки икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни мустақамлаш учун янги им-

кониятлар эшигини очишини таъкидлади. Шунингдек, тадбирда Тошкент халқаро инвестиция форуми концепцияси такдим этилди. Мазкур форум мамлакатимиздаги йирик тадбирлардан бири экани қайд этилди. Ўзбекистондаги инвестициявий салоҳиятини кенг тарғиб этиш, инвестиция лойиҳалари ва маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, хоржий инвесторларни жалб қилиш, чет эллик ҳамкорлар билан ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда шериклик шартномалари ва битимларини тузиш форумда қўзланган асосий мақсад ҳисобланади. Ўз навбатида, афғонистонлик тадбиркорлар Ўзбекистон ҳақидаги ижобий таассуротлари билан бўлишди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан халқаро тадбирларга пухта тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича

қўрилаган чора-тадбирларга юқори баҳо берилди. Мамлакатимизда бундай тадбирларнинг ташкил этилиши минтақа ва дунёда савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётгани қайд этилди. Элчихона маълумотларига кўра, форумда Афғонистоннинг тегишли вазирлик ва идораларидан 50 га яқин вакил, шунингдек, Афғонистоннинг йирик компаниялари ва салоҳиятнинг инвесторлари иштирок этиши кутилмоқда. Иштирокчиларга Тошкент халқаро инвестиция форуми дастури, шунингдек, Ўзбекистондаги инвестиция муҳити ҳақида маълумот берадиган “Invest in Uzbekistan” тарқатма ва ахборот материаллари тарқатилди.

“Дунё” АА Қобул

ТИЗИМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, оқил судловга эришиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Зеро, қонунларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, давлат ва жамият ҳаётидаги туб ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда янгиллаш — мамлакат тараққиётининг муҳим шарт ҳисобланади.

Бинобарин, Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни белгилаб берди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг самарали амалга оширилиши, биринчи навбатда, давлат ҳокимиятининг асосий бўғинларида ижро интизомининг зарур даражада ташкил этилишига боғлиқ. Мамлакатимиз ҳаётидаги улкан ўзгаришлар прокуратура тизими зиммасига ҳам жуда катта вазифаларни қўймоқда. Давлат раҳбарининг қарорлари, фармонлари ва фармойишлари, шунингдек, топшириқлари ижроси устидан прокуратура органлари томонидан тизимли равишда назорат тадбирлари олиб борилмақда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги “Ижро интизими идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишига мувофиқ вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг “ijro.gov.uz” ижро интизими идоралараро ягона электрон тизимига (кейинги ўринларда — “ijro.gov.uz” тизими) уланishi таъминланди.

Бош прокуратуранинг ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси томонидан вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимликлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларининг сўзсиз ижро этилиши устидан назорат ташкил этилган.

Ижро интизими мустақамлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг ижроси устидан назорат тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида мамлакатимиз Президенти-

нинг 2018 йил 5 октябрдаги “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳжамаси, Ҳисоб палатаси ва Бош прокуратурасига:

- вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг аниқ амалий натижаларга эришилиши таъминланмасдан туриб, юзаки бажарилишига йўл қўймаслик;
- вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг ижро ҳолати тўғрисида маълумотларнинг “ijro.gov.uz” тизими орқали ўз вақтида такдим этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;
- бюрократик тўсиқлар ва муаммоларни ҳал этиш муддатларининг қўзилиши ҳолатларини баргараф этиш орқали вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари ижро этилишида доимий равишда кўмаклашиб бориш вазифалари юклатилган.
- Ушбу қарор асосида “ijro.gov.uz” ижро интизими идоралараро ягона электрон тизими ишга туширилиб, Бош прокуратура тузилмалари мазкур тизимга мониторинг режимида уланishi таъминланган.
- Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 415 та ҳужжатлари бўйича вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга 34 755 та топшириқлар берилган. Жумладан, Президент қарорлари асосида берилган топшириқларнинг 26 467 таси бажарилган, 7 432 тасининг ижроси давом этмоқда.
- Муддатида бажарилмаган топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Бош прокуратура томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан бевосита кунлик маълумот алмашуви йўлга қўйилган бўлиб, ҳар бир топшириқнинг ижро этилиши доимий равишда назоратга олинган.

Жасурбек ҲОШИМОВ, Бош прокуратура бошқарма прокурори

ҲОКИМЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Президентимиз Мурожаатномасида жойларда ижро ва вакиллик органларининг давлат бошқарувидаги роли ва масъулиятини янада ошириш мақсадида ҳокимлар ваколатларини қайта кўриб чиқиш, бир-бирини такрорлайдиган функцияларни тегишли органларга ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратган эди.

Мазкур масалани тизимли ўрганиш ва зарур таъвия ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатиде Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги вазирлик ва идоралар мутасаддилари, жамоатчилик вакилларидан иборат ишчи гуруҳининг йиғилиши ўтказилди.

Унда сенаторлар, вазирлик ва идоралар мутасаддилари томонидан ҳокимларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш бўйича дастлабки вазибалар белгиланди. Мурожаатномада қайд этилганидек, амалдаги қонун ҳужжатларида ҳокимликларнинг 300 га яқин вазифа ва функциялари назарда тутилган. Шундан 175 таси мазмун-мояхиятига кўра ҳокимларнинг асосий вазифаси тоифасига кирмайдиган ва турли идоралар функцияларини такрорлайди. Бу эса иш сифати ва ижро интизомига салбий таъсир кўрсатиши табиий.

Йиғилишда Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари Шухрат Чўлиев ишчи гуруҳ таркибига жалб этилган айрим ташкилотлар мазкур масалага ваколатидан ташқаридеги вазифа сифатида қараётганини танқидий баҳолади. Жумладан, қўмита томонидан Марказий банк ҳам ишчи гуруҳ таркибига таклиф қилинган бўлса-да, улар бу жараёнда қатнашишни истамаган.

Шундай бўлса ҳам бошқа вазирлик ва ташкилотлар маълумоти ўз фаолиятида ҳокимлар билан алоқаси бор йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлаш билдирди. Бу борада Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги коммунал соҳада бир қатор вазибалар ҳокимларнинг қарорларига боғлиқ эканини қайд этди. Хусусан, ҳалигача хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан жалб этиладиган банк кредитлари бўйича муддатли ўтказиб юборилган қарздорликни қоплаш учун туманлар, шаҳарлар ҳокимликларининг кафолатини олиш учун ариза киритади. Ваҳоланки, ҳудудларни ривожлантириш бўйича ҳокимликларнинг бундан-да зарур вазибалари бор.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги вакили таъкидлашчи, тамаки ва алкоголь маҳсулотларини сотиш, жойларда дорихона очиш учун лицензия бериш ҳамон ҳокимлар ваколатига кирар экан. Мақсад ҳокимлар ваколатларини шунчаки қисқартириш эмас, балки уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришга эришишдир.

Йиғилишда ҳокимлар ваколатлари кўрсатилган барча қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, вазирлик ва ташкилотларга ўз йўналиши бўйича вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари бажарадиган вазибаларни таҳлил қилиб, тегишли тақлифларни бериш топширилди. Адиля вазирлиги ва Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти мазкур тақлифларни назоратга оладиган бўлди.

Абдулазиз МУСАЕВ

“ЯНА ЎҒЛИМНИ ВАТАН ҲИМОЯСИГА ЮБОРГАН БЎЛАРДИМ”

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Куचлари ҳарбий қисм ва муассасалари ёшлар етакчиларининг I республика форуми ташкил этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кўнини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши ижроси доирасида ўтказилган форумда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳарбий қисм ва муассасалардаги бошланғич ташкилот етакчилари, танқити давлат ва жамоат аربоблари, мутасадди вазирлик ва идора ходимлари иштирок этиди.

Форум аввалида Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳисни янгради. Президент маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаш раиси А.Сатдуллаев, факултода вазиалар вазир, генерал-лейтенант Т.Удбой-бергенов, ички ишлар вазирлиги ўринбосари, генерал-майор А.Икромов ва бошқалар Ватанимизни тинчлиги, халқимизни фаровон ҳаётининг мустақам кафолати бўлган Ўзбекистон Қуролли Кучалари ўтган даврда гоят мураккаб ва айни пайтда шонли шаклланиш йўлини босиб ўтгани, сўнгги йилларда олиб борилаётган туб ислохотлар самарасида миллий армиянинг ҳар қандай ҳавф-хатарга муносиб зарба бера оладиган қудратли кучга айланиб бораётганини эътироф этди.

Форумдан қўзланган мақсад ёш авлодини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда мардлик туйғуларини ривожлантириш ва соҳада олиб борилаётган ислохотлар билан яқиндан таништириш, тизимда намунали фаолият кўрсатаётган ҳарбий хизматчиларнинг бой тажрибасини ўрнак қилиб кўрсатишдан иборат.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Факултода вазиалар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат ҳавфсизлик хизмати чегара қўшиқлари, Давлат божхона қўмитаси тизимларида 350 та бошланғич ташкилот тузилган. Эътиборлики, мазкур бошланғич ташкилотлар орқали Ёшлар иттифоқи қарийб 30 ёшгача бўлган 50 мингга яқин ёшми билаштирилган.

Форумда ишмат бурчини ўташ чоғида халок бўлган ҳарбий хизматчилар хотирасига бағишланган “Мард ўғлонлар номи барҳаёт” номи видеоролик ҳамда ёш курсантларни ватанпарварликка қорочи иқодий чиқариш намоийш этилди.

2000 йил 4 августда Сурхондарё вилояти, Узун туманида босқинчи тўдаларга қарши кечган жанговар ҳаракатларда хизмат бурчини адо этаётганда халок бўлган, лейтенант Бобурҷон Ғаниевнинг онаси Мунаввархон Ғаниеванинг нутқи барчаннинг эътиборини тортиди.

— Бизни одамлар ҳаётда шунчаки яшаб ўтади. Ватанига, оиласига, халқига, ақниларига ҳеч нафи теғмайди. Ҳаётини керакдиз, номасқул ишларга сарфлайди. Шуларни ўйлаб, фарзандимдан мингдан-минг розиман. Менинг болам шунчаки яшамади. Уз ҳаётини Ватани ҳимоя қилишдек энг улғув ва оилажон ишга бағишлади. Юртини, халқини, оиласини босқинчилардан ҳимоя қилиб, хизмат бурчини адо этаётган пайтда халок бўлди. Ҳаётини ортага қайтариш имкони бўлганда, яна ўғлимни Ватан ҳимоясига юборган бўлардим...

Форум давомида “Ўзбекистон Республикасида садоқат билан хизмат қилмасиз!” мавзусида флешмоқ ташкил этилди. Танқити санъаткорлар томонидан она Ватани мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

(ЎЗА)



14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун



Тошкент тиббиёт академияси лицейида буюк бобокалонларимиз – Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд айёмига бағишланган “Икки буюк шоир, икки хушзабон” мавзuida адабий бадий кеча бўлиб ўтди.

АЖДОДЛАРДАН АВЛОДЛАРГА БОЙ МЕРОС

Тадбирни академик лицей директори, халқ депутатлари Олмасор туман Кенгаши депутати А.Шермуратов очиб берар экан, буюк алломаларнинг тарих зарварағида қолдирган хазиналари, бебаҳо асарлари, нодир қўлёзмалари, келажак авлод учун бой адабий мерос эканлиги, уларнинг салмоғи нечоғли муҳим ва ҳар бир ёш учун ҳаёт мактаби бўлмоғини таъкидлаб ўтди.

Адабий бадий кечада икки буюк шоирнинг ижод олами, теран залворли ҳаёт йўлларига назар солиш ва шу асосда эр-тамаиз эгаларининг келажағида муносиб ўрин тутишига туртки бўлади.

Шу билан бирга тадбирда “Авлодларга муносиб авлод бўлайлик!” шiori остида академик лицейда “Ёш китобхон” танлови директор соврини остида бўлиши эълон қилинди. Бугунги ҳар бир ёш ўз келажagini истиқболли мақсад сари қураб экан, аввало китобга таянади. Шундай экан буюклар қолдирган адабий мерос асрлар оша бокий умр кўради.

Зарина РУСТАМОВА

УЛУҒ ШОИРНИНГ ТАБИБИ

Ҳукмдор, шоир, фотиҳ, носир, саркарда олим ва беназир қалб соҳиби Мирзо Бобур бойчечаклар замҳарир қишн устидан галаба қилиб, дунёга бўй қўзган шу қутлуғ кунларда, 14 февралда дунёга келган.

Бу улкан шахснинг тарих сахнасида чиққан кунидан бошлаб то ўлимига қадар салкам қирқ йиллик ҳаёти, оилавий муҳити, ижодкор ва ҳукмдор сифатидаги ички ва ташқи зиддиятлари жуда кўп бўлган. Бу зиддиятларнинг унинг айнан ўзи ҳам тан олган:

Толёғ йўғи жонимга балолиғ бўлди, Ҳар ишники қилдим, хатолиғ бўлди. Ўз эри қўйиб Ҳинд сори юзландим, Ўраб нетай, не юз қаролиғ бўлди!

Шоирнинг ўзига, табиат ва жамиятга нисбатан холислиғи инсонни хайратга солади. Ваҳоланки, аксарият замондошларимизга ўхшаб, хатолари тан олмасдан, мақтаниб, гурурланиб, кибру ҳаво билан умргузаронлик қилиб ўтса ҳам арзирди. Бунга маънавий ҳаққи ҳам бор эди. Аммо у она замин ва тарих олдида иккиюзламачилик қилмади, оқни оқ, қорани қора деб яшаб ўтди.

Маълумингизки, тақдир тақозоси билан ўзи истамаган фотиҳлик увнони уни Ҳинд диёрига бошлаб, қиргинбаротларда қатнашишига сабаб бўлади, ўлдирилган ҳинд махарожаси Иброҳим Лодининг онаси малика Байда ўғлининг қасосини олишга астойдил бел бойлайди. У невараси Баҳодир орқали сарой ошпазлари Аҳмад чошнагир ва Бахлул орқали Аграда Мирзо Бобурни захарлашади. Азалдан фитналар уяси бўлган саройларда мухолифларни даф этиш учун қўлланганидан оғу ўта кучли бўлиб, ўлдирмасдан қўймас эди. Аммо, унинг бахтига ҳақим Юсуфийдек ҳоқиқ табиби бор эди. “Тибби Юсуфий”, “Шифо ул илаг” каби ўнлаб асарлар ёзган улуг табиб ўзининг бор маҳоратини ишга солиб, Бобурнинг ҳаётини сақлаб қолади. У бунда хатто бугунги кунда ҳам ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган қон тозалаш муолажаларини қўллади. Маълумки, улуг ҳақимлар Ибн Сино, Клавдий Гален, Аба Бакр ар Розий, Гиппократ, Абулқосим аз Заҳравий, Тоҷиддин ҳақимлар ҳар қандай бемор вужудини тозалашда кустириш, оч суриш, қон олдириш, терлаши, оқтириш каби самарали усуллардан фойдаланганлар. Ушбу меросларни чуқур ўрганган ҳақим Юсуфий юқоридаги усуллар қатори-

да Мирзо Бобурнинг билан томирини кечиб (венасекция) ҳар ҳафта 100 мл. атрофида қон олган ҳамда бир кунда беш литрга яқин анор сувидан ичирган. Анор суви ўзининг кимёвий таркибига кўра қон таркибий қисмига яқин бўлиб, унинг таркибидаги дармондорилар, унсурлар баайни лимфа таркибига яқиндир. Шу йўсинда у улуг инсоннинг умрига қарийб тўрт йил қўшишга эришди. Бу давр ичида шоир ўзининг энг дилбар газалларини битди, “Бобурома”дек улкан маърифий, маънавий ва тарихий асарни тугатолди. Аммо саломатлик кўрғонига аллақачонлардир пурут етган эди, буни шоирнинг ўзи шундай эътироф этади:

Жасимда иситма кунда маҳкам бўлуур, Кўздан учадир уйку, чу оқшом бўлуур. Ҳар иккаласи гаим билан сабримдек, Борган сари бу ортадуур, ул кам бўлуур.

Хулоса қилиб айтганда иқтидорли инсонлар, олимлар, ҳақимлар, фозиллар ва валийлар давлат устунлари, таянчлари, миллат устунларидир. Уларни пайғамбарлар, валийлар, одил ва оқил ҳукмдорлар, жаҳонгирлар, фотиҳлар иззат-икром қилиб ёнларидан узоклаштираманлар. Ҳақим Юсуфий ҳам она тарих олдида ўзининг буюк вазифасини сидқидилдан адо этиб яшолган ҳозир ҳақимлардандир. Ҳақим Юсуфий муворақ қаламига мансуб йиғирмага яқин тиббий рисолаларнинг бир нечаси асрлар мобайнида бўлғуси табиблар учун дастуруламан бўлган. Унинг бевосита ҳаракати, иқтидори, интуицияси ва маҳорати улуг инсон ҳаётини узайтиради, тарихда қолишига сабаб бўлолди. Бобур тузган улкан давлат ўз қудрати, адолати ва маданий ёдгорликлари билан уч аср умр кўриб тарихда қолди. Утган асрдаги инглиз мустамлақаси унинг охириги авлодларини маъв этди. Шунга қарамаздан закий ва дилбар бу инсоннинг қалб ўтисга йўғрилиб яралган маданий мерос замондошларимизни бахраманд қилгани сари унинг иккинчи умри ҳам келажак сари одимламоқда.

Насиба НИҒМАТХУҲАЕВА, Чилонзор туманидаги 90-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувачиси

Санъат

Миллий рақсларимиз чиндан ҳам бетакрор, жозибали. Саҳнада афсонавий парилар каби чарх ураётган қизларнинг ўйинию миллий рақс либосларини дунёнинг ҳеч еридан топиб бўлмайди. Катта кичикни, турли миллат вакиллари бирдек жўшиб, завқлантира оладиган “Лазги”дек рақс жаҳоннинг яна қайси мамлакатига бор?!

РАҚС САНЪАТИМИЗНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4 февралда қабул қилган “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари миллий рақс санъатимизни янги босқичга олиб чиқишда қўлпаб истиқболлари очиб беради. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ артисти, рақсга оид бир қатор китоблар муаллифи Гавхар МАТЕКУБОВА ЎЗА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Президентимизнинг миллий маданиятимиз ва санъатимизга дахлдор барча фармон ва қарорларини доимий кузатиб бораман. Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкинки, уларнинг бари миллий санъатимизнинг юксалиши йўлида хизмат қилмоқда. Шахрисабзда халқро мақом санъати фестивали, Термизда бахшичилик санъати оид халқро фестивал, Хоразмда “Рақс сеҳри” миллий рақс фестивали мунтазам ўтазиломоқда.

Яқиндагина эълон қилинган қарорлар эса миллий рақс санъатимизнинг янада равнақ топиши йўлида яна бир муҳим амалий қадам бўлди. Ўзбек санъатини дунёга танитган афсонавий “Баҳор” рақс ансамблининг қайта тикланиши барча санъат аҳлини бирдек қувонтирди. Ростки, устоз санъаткор Мукаррама Турғунбоеванинг мероси йўқолиб бориш арафасида эди, десак муболаға бўлмайди. Опанинг миллий рақс борасида ўз мактаби, бетакрор аъёнлари бор эди.

Шу маънода “Баҳор” рақс ансамбли аксарият раққослар, шу жумладан, мен учун ҳам катта мактаб, айтиш мумкин бўлса, академия вазифасини ўтаган эди. Негаки, рақс санъати шундай бир чексиз уммонки, унда раққос неча йил фаолият кўрсатишидан катти назар, барча жиҳатларини, билимларини тўлиқ эгалладим, деб айтолмайди. Мен ҳам “Баҳор”да, Мукаррама опа мактабида Ўзбекистон халқ артистлари Маъмура Эргашева, Равшани Шариповлар сингари маҳоратини, истеъдодини чархлаганман. “Баҳор” юртимиз раққослари учун стажировка ўташ маскани ҳам эди.

Рақс санъатимизнинг ҳозирги ҳолати шундан иборатки, у кўпроқ илмий ёндашувга эҳтиёж сезмоқда. Эндилиқда Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби негизида давлат олий таълим муассасаси шаклида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидан Ўзбекистон давлат хореография академияси ташкил этилади. Академияда эса рақснинг илмий жиҳатлари билан шуғулланиш имкониятлари кўпроқдир. Бу янги-янги дарсликлар, ўқув адабиётлари, китоблар яратиши учун пойдевор саналади. Шу орқали қўлпаб илмий тадқиқотлар натижалари бўйича маънавий-маърифий ва илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш учун кенг имкониятлар эшиги очилди, дейиш мумкин.

Бугун замон шиддат билан ривожланиб бормоқда. Демак, рақс санъати учун ҳам янги, бойитилган дарсликлар гоят муҳимдир. Ҳали ҳамон хореографияда қабул қилинган етти позиция бизнес миллий рақсларда ҳам қўлланиб келинмоқда. Ушбу позициялар француз рақс мактабида ҳам, рус хореографиясида ҳам қўлланилади. Бундай қарашларни ўзгартириш фурсати аллақачон етди. Ваҳоланки, миллий рақс санъатимизнинг ҳозирги ривожланиш жараёнига 7 позиция эмас, балки 10, 20, 30 позицияни ҳам жорий этиш мумкин. Буларнинг бари соҳага чуқур ва мукамал илмий ёндашувни, излашни ва тадқиқотни талаб этади, албатта.

Авваллари ҳеч қайси ҳужжатда балетмейстерларга тааллуқли жиҳатлар йўқ эди. Агар хореография ўқитувачиси ёшларга рақс санъатидан дарс берса, балетмейстер раққосларнинг фаолияти учун тўлиқ масъулиятли, жаъобгар мутахассис саналади. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Бухоро, Қарши, Наманган ва Урганч шаҳарларида Академия ҳузурида ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлари ташкил этилади. Кадрлар тайёрлаш жараёнига соҳанинг етук ва малакали мутахассисларини жалб қилиш орқали илм-фан ва таълимнинг ўзаро интеграциясини таъминлашга, рақс санъати бўйича юқори малакали бакалавр ва магистрларни, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб борувчи илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлашга жиддий эътибор қаратилади.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг миллий рақс санъати оид қарорлари соҳа равнақида янги босқични бошлаб беражак.

Назкат УСМОНОВА ёзиб олди

ОНА ЮРТ СОҒИНЧИ

Юрак япроғига лабини босиб, Сарҳуш ўйғонганда мукаррам бир тонг. Гулханди ҳисларим йўлини тўсиб, Бир армон жон ичра ураверар бонг.

Бу армон қадимдир, жуда ҳам қадим, Унда бор газаду соғинични саси. Вақтинг деворларини бузганича жям, Жаҳонга жар солар Бобур набраси.

Анда жонни қолди буюк шоирнинг, Кўзларида қотди сўнги илтижо. Эласа тунгадир томири еринг, Ва сирин фой этиб жўшади дарё.

Бир қўлида шамшир, бирида қалам, Ватан соғинични этди бошга тож.

Она юрт ишқида ёниб туриб ҳам, Дилнинг қони ила тўлади хажроқ.

Сен босган изларинг сўзлайди ҳануз, Қалбиди тавбарқур ҳар тоғу тошинг. Сенинг кўзинг ахир кўзиди кўз — Олис Ҳиндистондан қайтган қўйинг.

Дилбар байтларингдан ҳиди келади, Жонда томир отган Ўзбекистонинг. Бутуни бир дунёни нурга белади, Мажнувоор овози енгиламас қонинг.

Қалбларга фахрдан ёйганича нур, Ун тўртинчи феврал тўқадан айқор. Ёдингени тўй қилар кўнигадир сурур — Сенинг бешигинг тебратган диёр. Абдугани СУЛАЙМОН

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ АХБОРОТ ХИЗМАТИДА ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ ВА ЭКСПЕРТЛАР КЕНГАШИ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида уюшма ахборот хизмати фаолиятини янада ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида экспертлар гуруҳини ташкил этиш юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Дастлаб уюшма раиси матбуот котиби Фозил Жаборов жорий йилда амалга ошириладиган ишлар ҳамда янги тузилаётган экспертлар гуруҳи аъзолари, вазифалари юзасидан ахборот берди. Мунтазам равишда ҳар ойда бир мартаба матбуот анжумани ўтказилиши, жорий йилнинг 10 апрель санаси арафасида ўзбек романчилик мактаби асосчиси Абдулла Қодирий таваллудининг 126 йиллиғи муносабати билан адибнинг уй музейига, Абдулла Қодирий ижод мактабига, “Турон” кутубхонасига ва кутубхона биносидаги Абдулла Қодирий музейига медиа тур ташкил этилиши режалаштирилгани айтилди. Улуг мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллиғи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллиғи, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия Исроилова таваллудининг 105 йиллиғи, драматург Иzzат Султоннинг 110 йиллиғи, таниқли шоир Шавкат Раҳмоннинг 70 йиллиғи муносабати билан хотира кечаларини ўтказиш режалаштирилган.

Шунингдек, йил давомида “Устозлардан ўрганамиз” ижодий кечаларини ташкил этиш, уюшма қошида фаолият юритаётган “Онажоним шериат”, “Умид”, “Дилқўприк”, “Нигоҳ” тўғаракларида таниқли шоир ва ёзувчиларнинг маҳорат дарсларини ўтказиб бориш, наср, назм, драматургия, бадий публицистика, бадий таржима, болалар адабиёти ва адабий танқид йўналишларидаги аънавий Зомин семинарини ўтказиш, “Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида 20 нафар ёш ижодкорнинг илк китобларини чоп этиш, “Ижод” жамоат фонди маблағлари ҳисобидан “Адиб ва жамият”, “Адабий дўстлик – абадий дўстлик”, “Танланган асарлар”, “Биринчи китобим” серияларида китоблар нашр этиш, шоирлар Ҳамид Олимжон, Ибройим Юсупов, Чори Аваз, Тўра Сулаймон, Гафур Фуломнинг “Танланган асарлар”ини, Йўлдош Эшбековнинг “Сени сўроқлайман”, Норқобил Жалилнинг “Кўнгилдан кўчирмалар”, Файзи Шохисомилнинг “Бувим эртак айтганда”, Нурилло Остоннинг “Ой чўмилган чайлада” номли китобларини, “Юз шеър” қозоқ шоирларининг тўпламини ҳамда марҳума шоира Бахтинисо Маҳмудованинг шеърлий тўпламини нашр этиш кўзда тутилган.

Анжуманда мазкур лойиҳалар, тадбирлар ва тақдиротларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга келишиб олинди. Тадбирда Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирождин Сайид, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳаким, Халқаро пресс-клуб раиси Шерзоҳдон Қудратхўжаев, ижодкорлар, журналистлар, блогерлар иштирок этди.

Моҳиул ҚОСИМОВА, ЎЗА муҳбири

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ТАЖРИБАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида олий таълим тизимини оптималлаштириш ҳақида бир қанча фикрлар билдирди. Мурожаатномада илғор хорижий давлатлар олий таълим тизимидаги тажрибаларини мамлакатимизда татбиқ этиш ҳақида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Юртбошимиз Мурожаатномаларида келтирилган ҳар бир сўз ўринли эканани қайд этган ҳолда ушбу тақлифларни таълим муассасаларида қўллашни олдимизга мақсад қилиб олдик. Жумладан, биз таълим-тарбия бераётган олий таълим муассасаси мамлакатимиздаги нуфузли ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланади. Университетимизда хориж давлатлари билан мустақам алоқалар ўрнатилган. Бунга Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Эндилиқда ушбу алоқаларини янада мустақамлаб, олий таълим муассасамизда таълим сифатини янада оширишга замин яратилишидан қувондик. Шу билан бирга қатор режалар тузиб, таълим тизимига жорий этишни белгилаб олдик.

Олий таълим муассасамизда ёш олим-

лар кенгаши ҳамкорлигида қўлпаб семинарлар ташкил этилган. Мазкур илмий-амалий семинарларда АҚШнинг Бостон ҳуқуқ мактабида малака ошириб қайтган профессор-ўқитувчиларимиз ўз тақлифларини билдирган. Таълим тизимини такомиллаштиришга хизмат қилувчи бу каби тақлифларни амалиётга жорий этиш вақти келди. Бу борда бизга юртбошимиз мурожаатлари кўш қанот бўлади. Яъни, авваллари нуфузли халқаро танловларда мезбонлик қилган университетимиз эндиликда хорижий тажрибаларини амалиётда қўллаш имкониятидан фойдалана олади.

Нигорахон РЎЗИБОУЕВА, Муниса МИРГИЯЗОВА, ТДЮУ Тил ўргатиш кафедраси ўқитувачиси

Реклама ва эълонлар

Республика электротехника тиббиёт техникуми томонидан 2002 йилда Ҳакимова Наргиза Худайбердиевна номига берилган Т № 058423 рақамли (13855 рўйхат рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Мирзо Улуғбек тумани, Боғимайдон маҳалласи, Яланғоч кўчаси, 83-й, 48-хонадон эгаси Ташкулов Акрам Джурабаевич номига Мирзо Улуғбек тумани кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунара коллежи томонидан 2014 йилда Гиёзов Мирилёс Мирпаёв ўғли номига берилган К № 3546508 рақамли, рўйхат рақами 199 бўлган диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Шайхонтоҳур туманидаги 43-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2017 йилда Нигматов Муҳаммадқодир Фурқатиллаевич номига берилган U № 8140260 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Тошкентда "Янги Ўзбекистонни ёшлар билан бирга қурамыз!" шиори остида ватанпарварлик фестивали ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона-си, "Hyatt Regency" меҳмонхонаси олд майдони ҳамда Ёшлар ижод саройи йигит-қизлар билан ҳар доимгидан-да гавжум бўлди.

Фестиваль ташкилотчиларидан бири – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши раиси Дурдона Раҳимова мамлакатимизда ёш авлодни маънавий баркамол инсон этиб тарбиялаш, бундан ташқари уларнинг ҳаётини ташкил этиш, уларнинг санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича бешта мухим ташаббус доирасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилётганини таъкидлади. Мазкур фестивал ана шундай энг мухим ишлардан бири эканини айтиб, барча ёшларни унда фаол бўлишга чاقирди.

Талаба-ёшлар, пойтахт меҳмонлари фестивал доирасида тасвирий санъат бўйича маҳорат дарсларига ғувоҳ бўлишди. Мусиқа ва санъат мактабларининг ширали овоз ҳамда сеҳрли мўйқалам соҳиблари ўз ижод намуналари билан санъат шинавандаларини хайратга солди.

Бокс, қиличбозлик, қўл жанги, камондан ўқ отиш майдонлари ташкил этилган эди. Ёшлар мазкур спорт турлари бўйича ўзаро баҳслашди. Иштирокчилар скейт, ролиқда учиб ва бошқа замонавий спорт турлари бўйича чиқишларни зўр иштиёқ билан кузатишди.

– 10 йилдан буён бокс билан шуғулланаман, – деди Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Жавоҳир Абдуниёзов. – Ўзбекистонда бокс бўйича ўтказилган мусобақаларда катнашиб, совринли ўринларни қўлга киритаяпман. Насиб бўлса, Ҳасанбой Дўсматов, Фазлиддин

Юнусобод туманида жамоат тартибини сақлаш юзасидан хизмат вази фасини ўтаётган Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси номаълум шахс қўлида пичоқ билан аёл кишини қувиб келаётганини кўриб, зудлик билан кўнгилсизлигининг олдини олишга ошиқади.

ПИЧОҚ БИЛАН ТАҲДИД ҚИЛГАН ШАХС ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Номаълум эркак аёлга етиб олган пайтда Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси етиб келиб, аёлни пичоқ билан таҳдид қилаётган эркак қўлидан ажратиб олган. Аёлни ўз ҳимоясига олган Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси кўрган тартиб-бузар шу заҳоти қочиб кетган.

Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси А.Х. шу ҳудуддаги пост-патруль экипажга ҳолат юзасидан хабар бергач, тартиббузар ордидан экипаж қувиб, Юнусобод 9-даҳада тўхтаётган. Фуқародан қўлидаги пичоқни ташлаш талаб қилинганида, фуқаро Миллий гвардия ва ППХ ходими талабини бажармасдан, ҳақорат қилиб, уларни ўзига яқинлаштирмастек учун тош ва бошқа қўлга илгинган нарзаларни ота бошлаган. Фуқаро уни ушлаш вақтида ички ишлар ходимининг оёғига пичоқ санчиб олгач, Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси Ё.Ф. ПР73 (резина таёқ)ни ишлатишга мажбур бўлган.

Сўнг тартиббузарнинг қўлидаги пичоқни тортиб олиб, қўлга кишан солган. Қўлга олинган шахс Юнусобод туман ИИБ бўлимига топширилган.

Олиб борилган суриштирув ишлари натижасида фуқаролар Шайхонтохур туманида яшовчи эр-хотин С.Н. ва С.А. эканлиги, эри спиртли ичимлик ичгани оқибатида ўзаро жанжаллашиб, шу ҳолат юзга келганлиги маълум бўлган. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ишлари давом этмокда.

Нозима МАХМУДОВА, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Матбуот хизмати офицери

Реклама ва эълонлар

Яшнобод тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 2016 йил 25 июлдаги № 006357-07 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "SHAXODAT PHARM" (СТИР 304181137) масъулияти чекланган жамияти

ТУГАТИЛАДИ Давлолар Яшнобод тумани, Мухтор Ашрафий кўчаси, 106-уйда қабул қилинади.

Тошкент автомобил йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институты жамоаси институтнинг Ходимлар бўлими бошлиғи Нигманова Малика Шарахимовадан волида муҳтарамаси Матлуба САРИМСАКОВАНИНГ вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзи изҳор этади.



киш, дастурий махсулотлар яратиш бўйича амалий ишлар қилинмокда. Мазкур фестивал ҳам ана шу амалий ишлар самарасидир.



доирасида ташкил этилган китоблар кўрғазмасига йигилган китобхонлар нигоҳидан ҳам билиб олиш мумкин. Биз кўрғазмага болалар учун алоҳида ўзбек халқ эртақлари, турли мавзулардаги энциклопедик китоблар билан келдик. Кўрғазмага 50 нусхда "Исломо энциклопедияси" китобини олиб келган эдик. Барчасини китобхонлар харид қилди. Улар бу каби кўрғазмаларни кўпроқ ўқитиш тарафдор.

Ретро автомобильлар намойиши, сўнгги авлод роботлари, энг янги иҳтиролар, инновацион гоёлар ва стартап лойиҳалар кўрғазмаси, таниқли спорт усталаридан ўзига хос маҳорат сабоқлари барчага манзур бўлди.

Мусиқа ва санъат мактаблари ёш ижодкорлари ҳамда машур санъаткорлар иштирокида концерт, Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларининг жанрлар чиқишлари, DJ шоу каби маданий-кўнгилочар тадбирлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон байроғи илгинган катта ҳаво шари учурилиши – тадбирнинг энг қизиқарли ва таассуротларга бой томошаси бўлди.

Хуршид ҚОДИРОВ, ЎАМ муҳбири

ВАТАНПАРВАРЛИК ФЕСТИВАЛИ

Фестиваль доирасида "Ёш китобхон" акцияси ва китоблар кўрғазмаси ташкил этилди.

Ватанпарварлик фестивали доирасида ташкил этилган киберспорт мусобақасида йигирмадан ортқ ёш йигит-қиз иштирок этди. Мусобақанинг фаол иштирокчилари ва гоилибларига Тошкент шаҳри ҳокимлиги ва бошқа ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

– Фестиваль доирасида "Ёш китобхон" акцияси ва китоблар кўрғазмаси ташкил этилди.

– Халқимизда мутолаага ташналик доим юқори бўлган, – дейди "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти бўлим мудири Меълижон Садилов. – Буни мазкур фестивал

"ЭКОСАН" ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ: САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

"ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди нодавлат ношжорат ташкилоти сифатида 27 йил давомида ўз фаолиятини самарали олиб бормокда.

Фонднинг асосий мақсади – салбий экологик омилларнинг табиатга, атроф-муҳитга, инсонга ва умуман экосистемага таъсирини камайтириш борасида олиб борилаётган ишларга қўмақлашиш, Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиёда атроф-муҳит ва экологик барқарор ривожланиш соҳасида маҳаллий, минтақавий ва халқаро дастур ҳамда лойиҳалар ишлаб чиқиши ҳамда уларнинг амалиётга татбиқ этилишида иштирок этиш, аҳолининг экологик онги ва дунёқарашини шакллантириш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи борасида турли даражадаги кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, муқоабил энергия манбаларидан фойдаланиш, шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламига хайрия ёрдамларини кўрсатишдан иборат.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида, "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди ўз фаолиятида асосий мольвий маблаг и юридик ва жисмоний шахсларнинг иҳтиёрий хайрияти, давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар ажратадиган грантлардан иборатлигидан келиб чиқиб, ҳомий ва ҳамкорларни жалб қилган ҳолда, имкон қадар ўзининг "Мақсадли дастур"ини босқичма-босқич амалга оширди.

Аҳоли ўртасида экологик маданиятни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, атроф табиий муҳит билан уйғунликда муносабатда бўлиш мақсадида, халқаро экология ва саломатлик саналарига бағишлаб, аҳолининг экологик ҳуқуқий билимлари ва маданиятини оширишда бир қатор давлат, нодавлат ташкилотлар ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда, тадбирлар ўтказилди, Жумладан: Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилояти: 2019 йилнинг март – май ойлари, "ЭКОСАН"нинг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"га бағишланган мақсадли дастури доирасида "Анъаналарни тикла – дарахт эки!" акцияси ўтказилиб, Қашқадарё вилоятининг бир қатор таълим муассасаларида Қарши Давлат университети, Тошкент Ахборот технологиялари университети Қарши филиали, Қарши муҳандислик ва иқтисодий институти, Қарши ахборот технология коллежи ҳамда Қарши хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида "Табиати биргалликда асрайлик" мавзусида давра сўбатлари ўтказилди, шунингдек, 1000 дона эман кўчатлари хайрия сифатида топширилиб, кўчатларни экиш тажрибаси талабаларга ўргатилди.

Тадбирлар Дастури доирасида пойтахтнинг Низомий номидаги Педагогика университети, Тошкент фармацевтика институту ва Ўзбекистон миллий университетидаги талабалари билан "Экология ва ёшлар" мавзусида давра сўбатлар ўтказилди, шунингдек, ўқув муассасалари майдонида 2000 дона эман кўчатлари экилди.

Натижада "Экологик бог"лар ташкил этилишига асос солинди, мавжудлари кенгайтирилди. 12 та тадбирлар доирасида, иштирок этган 1200га яқин талабаларга экологик мавзуларда (3000 дона) "Эман" ва "Гледичия" дарахтларининг хусусиятлари номли буклетлар ҳамда "Ўсимлик ва дов-дарахтларни сақлаб қолиш ҳар биримизнинг бурчимиз" номли тарғибот плакатлари хайрия сифатида тарқатилди.

"ЭКОСАН" хайрия жамоат фонднинг "Экология ва саломатлик" кунлари тадбирлари доирасида Хоразм вилояти Хива шаҳрида "Гурвак-Хоразм қовунлари рамизи" номли қовун сайли фестивали Хоразм вилоят ҳокимлиги қўмағида, ҳамкор ва ҳомий ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил қилинган, Қовун сайли фестивалида, вилоятда қовун навларини етиштириш билан шуғулланадиган Богот, Гурлан, Қўшқўпир, Хива, Хонқа, Хазорасп, Шовот, Гурдан, Янгибозор ва Янгиарик туманларнинг 14 та илғор деҳқон хўжаликлари 30 дан зиёд қовун навлари ва бошқа полиз экинлари билан иштирок этиш, туманлараро кўрғазмалар ташкил қилинди. Қовун сайлини ташкил қилишдан асосий мақсад, серқўёш заминимизда етиштирилган ушбу тансиқ ноёб қовун навларини сайёҳларга кенг тарғиб этиш, унинг қадимий навларини қайта тиклаш ва сақлаб қолиш билан бирга янги навларини яратиш, тармоқда илғор технологияларнинг татбиқ этиш, вожа полизкорларнинг қовунчиликни ривожлантириш борасидаги тажрибаларини омаллаштириш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Қовун сайли кўрғазмаларида турли полиз экинларидан тайёрланган қовун қоқилар, мураббо, жем ва бошқа экспорт-боп махсулотлар меҳмон ва сайёҳларга намойиш этилди. Қовун сайлида иштирок этган ва гоили бўлган жамоаларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Тадбир якунида қовун сайли фестивалига бағишланган бадиий концерт дастури намойиш этилди. Қовун сайли фестивалида 10 000 дан ортқ аҳоли, меҳмонлар ва хорижий сайёҳлар иштирок этди, мазкур тадбир ОАВ томонидан кенг ёритиб берилди.

"Аҳолининг, ижтимоий, экологик, тиббий, санитария ва гигиена соҳаси шартитларини яхшилаш ҳамда ичимлик суви таъмин бўлган ҳудудларда яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш" вазифалари бўйича, амалий тадбирлар олиб борилди. Оролбўйи ва чегара ҳудудларида жойлашган тиббиёт муассасаларининг аҳолига бир метёрд сифатли тиббий хизмат кўрсатишига қўмак бериш мақсадида, "ЭКОСАН" фонди, "Анемия ва лейкомия" хайрия жамоат фонди ҳамда С.Қ.Исломбёков номидаги "Ўзимёфарм" акциядорлик жамияти ҳамкорлигида "Саховат" акциясини амалга оширди.

"Аҳоли ва ижтимоий объектларга хайрия ёрдамларини кўрсатиш" бўйича, "ЭКОСАН – маҳаллада" дастури доирасида, Тошкент шаҳар Яшнобод тумани "Дўстобод" МФЙга 2,2 млн. сўмлик дори-дармон воситалари хайрия сифатида топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги жамоат фонднинг 390,0 млн. сўмлик давлат ижтимоий буюртмасини "ЭКОСАН" фонди марказий аппарати, 30,0 млн. сўмлик давлат грантини Хоразм вилояти ҳудудий ташкилоти гоилиб бўлди.

"ЭКОСАН" веб-сайтини оммабоп қилиш мақсадида, замонавий рунда ўзгартириш, экология ва соғлом турмуш тарзига доир қизиқарли маълумотлар базасини тайёрлаш устида ишлар олиб борилмокда.

Мирқарим МИРСОВУРОВ, "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди Тошкент шаҳар филиали директори

"101" ХУЛОСА ЧИҚАРИШ ЛОЗИМ

Жорий йилнинг ўтган вақтида пойтахтимизда кўпжа ёшлар содир бўлди.

Уларнинг аксарияти шахсий уй ва хонадонларда рўй берган. Шу боис биз ёшларни ҳавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли ўртасида ёшларнинг олдини олиш юзасидан профилактик ишларни ҳар қанчогидан қулайтирдик.

Маҳалларда ва аҳоли гавжум жойларда ходимларимиз ёшларнинг келиб чиқиш сабаби ва омиллари, уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида тушунтириш ишлари олиб боришмокда. Шунингдек, болалар боғчалари, мактаб ва коллежларда ёшларнинг ҳавфсизлиги кўчалари юзасидан сўбатлар ўтказилмокда. Ёшларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари тасвирланган видео лавҳалар намойиш қилинмокда.

Шу ўринда ҳурматли ҳамюртлар сизларни ҳам ёшларнинг олдини олиш ишларига хиссангизни қўлингиз ва ёшларнинг ҳавфсизлиги кўчаларига амал қилишигизни сўраб қоламиз.

Ноҳира СОЛМОнова, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентини Исломо Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуаси ЕХТТЭБ катта инспектори, Даврон ДЖАБОБОВ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ЕХТТЭБ мутахассиси, катта сержант

Кимнингдир айби билан содир бўлган ёшлар кўпжа моддий бойликларни қўлга айланмишига олиб келинмокда.

Фуқаролар лоқайдилк ва эътиборсизлик сингари иллатлардан холи бўлиб, ёшларга олиб келувчи омилларни бартараф этилишида соҳа ходимларига яқиндан ёрдам беришлари лозим. Чунки, ўзи уйи ва ўзгалар ҳаёти учун жавобгарлик ҳар бир кишининг виждон иши бўлиши керак. Ёшларнинг ҳавфсизлигини таъминлашда фаоллик кўрсатиш барчанинг бунчи эканлигини унутманг.

Каҳроман АБДУЛЛАЕВ, Анжуманлар саройи ЕХТТЭБ катта инспектори, подполковник

"Ўз уйингни ўзинг асра" деган шор ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, қорхона, муассаса учун тааллуқли. Аҳолининг қўлидаги ёшларнинг ҳавфсизлиги қонларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Очик алангадан фойдаланилатганда эҳтиёткорлик чораларини қўриш, электр ва газ асбобларини доимо соҳ ҳолда тутиш, қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик.

Белгиланган қондаларга риоя қилсақ ўзимиз ва яқинларимиз ҳаётини асраган бўламиз.

Қудрат АЗИЗОВ, "Бунёдкор" стадиони ФВБ Ёшлар назорати ва профилактика инспектори, катта сержант

Болалар – келажгимиз, уларни асраб-авайлаб, Ватанимизга содир, ҳар тарафлама етук инсон бўлиб камол топшишарига биз жавобгаримиз.

Ёшлар эса бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажрата оладиган бир офатдир. Ҳаётда содир бўладиган даҳшатли фалокатлардан бири, шубҳасиз ёшлардир.

Ер юзида ҳар қун содир бўлаётган ёшлар эса неча-неча инсоннинг ҳаётига зомин бўлмокда. Агарда биз оддий ёшларнинг ҳавфсизлиги кўчаларига риоя этсак, ўйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади.

Фарход МАХАМЕДЖОНОВ, ЎзМТРК ФВБ Ёшлар назорати ва профилактика бўйича мутахассиси

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳарбий хизматчилари фуқаролардан ёшларнинг ҳавфсизлиги қондаларига қатъий амал қилиши, ёшларга олиб келувчи модалалардан фойдаланишнинг олдини олиши, тўсқиндан чиққан ис-гази ва олов офатга айланмаслигини учун ҳушёр бўлишни сўрайди.

Ҳозирги кунда ис газидадан захарланиш ҳолатлари кўп кузатилмокда. Шу боис уйда ис газидадан сақланган учун айрим кўрсатмаларга амал қилиш даркор. Соғуқ кунларда ўй жойингизни истиш учун мулжалланган печка ва газ плиталарининг носозликлари ёшларга сабаб бўлиши мумкин.

Ёшларнинг олдини олиш фақатгина ёшларнинг ҳавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчимдир.

Муҳаббатхон КАМИЛОВА, "Маърифат маркази" ЕХТТЭБ инспектори, лейтенант

Моддий-маънавий бойликларини асраш, уларни ёшлар офатидан химоялаш шу куннинг энг мухим вазифаларидан бирига айланган.

Фуқаролар томонидан йўл қўйилганда камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини қўриш, ёшлар инсонлар ҳақида зарар келтириши ҳусусида сўбатлар ўтказиб келинмокда.

Ушбу профилактик тадбирларга айрим лоқайди фуқароларимиз туфайли ёшлар содир этилмокда. Шу ўринда ёшларнинг олдини олишда барча бирдек масъул эканлигини эслайтиб ўтамиз.

Ийдош ИСМОИЛОВ, Мирзо Улуғбек ФВБ ДЕН ходими, лейтенант

Айнан ёш болалар билан болглик ёшлар чикиш ҳолатларининг олдини олиш учун соҳа ходимлари қандайд тадбирларни амалга оширишлари керак?

Бу борода ёшларнинг ҳавфсизлиги хизмати ходимлари доимий равишда хонадонларда бўлиб, ёшларнинг сабаб бўлувчи ҳолатларини аниқлаш, катталар билан ҳамжиҳатликда бу нуксонларни ўз вақтида бартараф этиш, энг мухими эса, мана шундай камчиликлар қандайд салбий ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини тушутиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки, содир бўлаётган ҳар бир офат аввало ёшларнинг ҳавфсизлиги кўчаларини билимаслик ёки уларга риоя қилмасликдан келиб чиқади.

Мақсудали САЙИДИЙ, "Бунёдкор" стадиони ФВБ Ёшлар назорати ва профилактика инспектори, катта лейтенант

Ёшларнинг ҳавфсизлиги хизмати ходимлари доимий равишда хонадонларда бўлиб, ёшларнинг сабаб бўлувчи ҳолатларини аниқлаш, катталар билан ҳамжиҳатликда бу нуксонларни ўз вақтида бартараф этиш, энг мухими эса, мана шундай камчиликлар қандайд салбий ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини тушутиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки, содир бўлаётган ҳар бир офат аввало ёшларнинг ҳавфсизлиги кўчаларини билимаслик ёки уларга риоя қилмасликдан келиб чиқади.

Айнан ёш болалар билан болглик ёшлар чикиш ҳолатларининг олдини олиш учун соҳа ходимлари қандайд тадбирларни амалга оширишлари керак?

Бу борода ёшларнинг ҳавфсизлиги хизмати ходимлари доимий равишда хонадонларда бўлиб, ёшларнинг сабаб бўлувчи ҳолатларини аниқлаш, катталар билан ҳамжиҳатликда бу нуксонларни ўз вақтида бартараф этиш, энг мухими эса, мана шундай камчиликлар қандайд салбий ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини тушутиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки, содир бўлаётган ҳар бир офат аввало ёшларнинг ҳавфсизлиги кўчаларини билимаслик ёки уларга риоя қилмасликдан келиб чиқади.

Азизбек АҲМЕДОВ, Мирзо Улуғбек ФВБ ДЕН ходими, лейтенант

Олов – "тилсиз ёв" дейдилар. Хонадонлар, жамоат жойларида ёшларнинг қорғини аҳолига қўриқчи чоралари қўриқчи қўйиши зарур.

Бунда ёшлар ўчирувчилар масалалари ва қўмағига таяниш мухим. Хуллас, ёшларнинг олдини олиш учун ана шу офат келтирувчи ҳодисага қарши кураш қондаларига риоя қилиш, газ, электр ускуналаридан тўри ва ҳушёрлик билан фойдаланиш зарур. Шундангина биз кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олган бўламиз.

ЎЗГИДРОМЕТ

Харорат кечаси – 1 даража сувуқ, 1 даража ишқ, кундузи – 7-9 даража ишқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кура, 13 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шартити зарарили моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, уфласлини даражаси, наф бўлади.

Тошкент шаҳрида 13 февраль кун ҳаво ўзариб туради, кечаси ва эрталаб вақти-вақти билан ёлғир, қор ёғади. Фардан шарққа йўналишини ўзгартирган шомол секундида 5-10 метр тезликда эсади.



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳриринг компьютер марказида терилди ва сақланган.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@gmail.uz

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 1193 нусхда босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмақонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй